



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ЖАМИЯТ

№ 07 (784)
2022 йил
24 февраль,
Пайшанба



www.bong.uz

@jamiyatgzt@mail.ru

t.me/bonguz1

ОНА ЗАМИННИНГ МАРСГА МАКТУБИ

Бу ҳам майли, энг билимли одамларини “олим” дейди. Биласанми, уларга нима вазифа. Инсонларни тез ва аниқ қириб юборадиган замонавий қуроллар устида ишлаш. Бунинг учун борини аямайди. Бутун инсониятни ярмига яқини оч, аммо қуролга ажратадигани бир неча йил ҳаммани текинга боқишга етади. Бағримни тешиб, ичимдаги зарни олади, бошқа сотиш мумкин бўлган ҳамма нарсамни сўришади, сотишади, пули эса яна қуролга.

ТОШКЕНТ “НОН ШАҲРИ” ЭМАС

– Бу бош кўп нарсани кўрди. Бойниям, камбағалниям, очниям, тўқниям, чархпалакларни кўп айланганини кўрдик. Йўқнинг бор бўлганиниям, борнинг йўқ бўлганиниям кўп учратдик. Шунинг учун шукронани ўрганларинг. Шукур қилган кам бўлмайди. Шукур қилган етар муродга...

Аввал маърифат, кейин сиёсат

Маънавиятнинг муҳим мезони бу саводхонлик. Саводхонликнинг икки қаноти бор, яъни у иккита асосга таянади. Бу оғзаки ва ёзма нутқни тўла эгаллашдир. У орқали ўз фикрини мустақил тарзда, эмин-эркин ифодалай олишни билмаслигимиз кўпол айтганда фожа. Бу эса тилшуносликнинг орфографик ва орфоэпик хусусиятларини билиш ва амал қилишимизни тақозо қилади.

А.Маликов коллажи

Маънавиятнинг муҳим мезони бу саводхонликдир. Саводхонликнинг икки қаноти бор, яъни у иккита асосга таянади. Бу оғзаки ва ёзма нутқни тўла эгаллашдир. У орқали ўз фикрини мустақил, эмин-эркин ифодалай олишни билмаслигимиз қўпол айтганда фожиа. Бу эса тилшуносликнинг орфографик ва орфоэпик хусусиятларини билиш ва амал қилишимизни тақозо қилади.

Очигини айтиш керакки, саводхонлик даражамиз кирил алифбосида ҳам онқадар эмас эди. Бу иллат лотин ёзувига асосланган алифбода ҳам давом этмаслиги учун қайғуришимиз керак. Шунинг учун, имловий жиҳатдан тўғри ёзиш бу бир қанча мезонларга таянади. Маълумингизким, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги даврда бу борада қабул қилинган илк ҳужжатлардан бири ҳам айнан давлатнинг расмий ёзуви тўғрисида бўлган. Бу Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонуни эди. Ушбу Қонун “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб, ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтилган 1929—1940 йиллардаги ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-хоҳишларини инобатга олган ҳолда республиканинг ҳар тарафлама камол топишини ва жаҳон коммуникация тизимида киришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилади,” – дея қайд қилинганди.

Ана шундан кейин барча жойларда ўқув курслари ташкил этилиб янги алифбо бўйича саводхонликни оширишга жадал киришилди. Ҳокимиятлар тизимида ҳам бунга эътиборли бўлиш мақсадга мувофиқ эди. Турли ташкилот, идора, муассаса ёхуд янги очилаётган корхона, фирма, масъулияти чекланган жамиятларнинг номларини лотин ёзувига асосланган алифбода беҳато, тўғри ёзиб бериш ҳам ана шу ҳаракатнинг намунаси эди. Кези келганда, шуни эътироф этиш керакки, пойтахт туманларининг ичида энг биринчи бўлиб Мирзо Улуғбек туманида тизимли равишда саводхонлик масаласи йўлга қўйилганди. Бинонинг биринчи қаватидаги 6-хонада муҳр ва тамғани тайёрлашга туман Ички ишлар бўлимида рухсат олишдан олдин, албатта, имловий томондан тасдиқлаб бериш вазифаси ўша саводхонлик марказида ҳал этиларди. Бу вазифа – фаолиятда бўлган ва янги ташкил этилаётган корхона ва муассасалар пештоғига ёзиладиган битиклардан тортиб уларнинг муҳр ва тамғаларига ҳам имловий жиҳатдан тўғри ёзиш вазифаси жамоатчилик асосида каминага юкланганди. Чунки ўша пайтда саводхонлик масаласи маънавият ва маърифатнинг энг муҳим бўғини эканлигини англаб, бу хизматнинг ташкилотчиси ва ташаббускори ўша пайтдаги туман ҳокими ҳозирги Президентимиз Шавкат Мирзиёев эди.

Ўшанда уларнинг ташаббускорлиги билан ташкил этилган саводхонлик маркази фаолиятдан руҳланиш асосида лотин ва араб алифбосига асосланган ёзувимизни ўргатишга қаратилган “Сирли сандиқ саводхонлик саройи” номли интеллектуал телевизион кўрсатувни ташкил этиб, бир неча йил мобайнида томошабинлар ҳукмига ҳавола этганимиз ҳамон ёдимда.

Давлатимиз раҳбарининг китобхонликни кенг оммавий равишда даъват этиши ва шу хусусда қабул қилган ик-

кала қарорлари ҳам аслида халқнинг маънавий дунёсига, саводхонлик даражасига, миллатнинг қалбу киёфатида дахлдор ўзак масалалардан эканини ҳис этишидир. Уларнинг ушбу фикри барчага дахлдор маърифий хитоб ўрни-



да янгради: “Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги бўлмайди”. Чунки китоб мутолааси, сўз бойлигини ошириш, нутқни ўстириш ва тафаккурни ривожлантириш, имловий саводхонликка хизмат қилиши аниқ.

Афсуски, бугунги кунда кўча-кўйдаги ёзувлар ҳам, турли хил шиорлар, идора пештоқларидаги битикларда ҳам нуксонлар учраётганидан кўз юмиб бўлмайди. Айниқса, ижтимоий тармоқлар орқали ёшларнинг ёзишмалари, алифбода мавжуд бўлмаган алламбало белгилардан фойдаланишлари бизни тобора саводсизлик қаърига тортиши ва бунинг салбий одатга айланиши ҳеч гап эмас. Бундай камчиликларнинг айтилиши ва етарли эканини била туриб саводхонлик масаласига панжа орасидан қарасак, миллат маънавияти ва унинг маърифатига ҳам эътиборсизлик қилган бўлаемиз.

Халқаро тажрибалар бу борада ҳам катта аҳамият касб этиши аниқ. Ривожланган давлатларнинг аксариятида саводхонлик марказларининг мавжудлиги ҳам бежиз эмас. Шу ўринда, Россия, Буюк Британия, АҚШда аҳолининг саводхонлигини ошириш масаласи билан шуғулланувчи ташкилотларнинг доимий фаолият юритишини мисол сифатида келтириш мумкин.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асрорларини ўқитиш ва малакасини ошириш маркази томонидан, иқтидорли тилшунос, филология фанлари номзоди, доцент Иномжон Азимов масъул муҳаррирлигида чоп этилган “Ўзбек адабий тили иш дафтари” ўқув қўлланмасида ҳам шу хусусда маълумот келтирилган.

Саводхонликни ошириш механизми тараққий этган кўплаб давлатларнинг муҳим муаммоларидан саналгани аниқ. Бу фаолият уларда турли ёш, соҳа ва касбий йўналишлар бўйича амалга оширилади. Худди шундай муассасалардан Буюк Британияда “National Literacy Trust” (Миллий саводхонлик фонди) ва АҚШда “Key to Literacy” (Саводхонлик калити), Россияда “Центр грамотности” (Саводхонлик маркази) ташкилотлари мавжуд.

Юқорида қайд этилган қўлланмада келтирилишича, Буюк Британияда “National Literacy Trust” (Миллий саводхонлик фонди) ташкилотининг вазифасига аҳолининг иқтисодий жиҳатдан но-чор қатламига саводхонлик даражасини ошириш масаласида амалий кўмак бериш, ўрта мактаблар билан ҳамкорлик қилиб, ўз таҳлиллари, дастурлари билан ўртоқлашиш, саводхонлик борасида илмий тадқиқотлар олиб бориш кабилар қиради. Ўша ташкилот сиёсатчилар ва ота-оналар учун саводхонлик муҳим аҳамият касб этиши учун муттасил ку-

АВВАЛ МАЪРИФАТ, КЕЙИН СИЁСАТ

рашадилар. Фонд “Ҳаёт учун зарур сўзлар” деб номланган веб-сайт орқали <http://www.wordsforlife.org.uk/> турли ёшларда ўзлаштирилиши керак бўлган сўзларни турли мавзулар доирасида бирлаштириши ва турли машғулотларни ота-оналарга тавсия сифатида бериб бориши аҳамиятлидир.

Россияда “Центр грамотности” (Саводхонлик маркази) мавжуд бўлиб унинг асосий мақсади саводхонликни ошириш бўйича масофавий таълимни йўлга қўйиш, саводхонликнинг “онлайн тренажор” ини яратиш, шунингдек, рус тилини оммалаштирувчи, русийзабон аҳолининг ёзма нутқи сифатини ошириш мақсадида турли ижтимоий ва интернет лойиҳаларини ишлаб чиқишдир.

Қўлланмада келтирилишича, Буюк Британияда “National Literacy Trust” (Миллий саводхонлик фонди) қизиқувчиларга болаларга саводхонлини ўргатишда ўрта таълимда самарадор усулларни ўргатувчи курслар таклиф қилади. Шу жумладан, “Questioning the News: Critical literacy in English” – Янгиликларни танқид қилиш: инглиз тилида танқидий саводхонлик, “Improving Writing in Key Stage 2” – Таянч таълимда ёзма нутқ малакасини ривожлантириш, “Teaching Reading in Key Stage 2” – Таянч таълимда мутолаага ўргатиш, “Words for work” – Иш учун зарур сўзлар каби курслар бор. Мазкур курсларда мавзулар ўқиб тушуниш, эшитиб тушуниш, фикрни ёзма ифодалаш ва оғзаки ифодалаш каби жиҳатларга урғу берган ҳолда тақдим этилиши эътиборга сазовор.

АҚШда “Key to Literacy” (Саводхонлик калити) ташкилотидан бир қатор курслар таклиф қилинади. Курсларнинг номи, қандай аудиторияга мўлжалланганлиги эътиборга молик. Унда тушуниш, луғат бойлиги, ёзиш орқали мазмунни англаш, ёзиш бўйича қўшимча мавзулар каби курслар ташкил этилган.

Тил умумий, нутқ индивидуал ҳодиса. Демак, тил элементларидан фойдалана олиш нутқ эгасининг билим-савияси, сўз бойлиги, танлаш ва қўллай олиш даражасига боғлиқ.

Афсуски, тил таълими тизимида ўқувчиларга қоидаларни ўргатиш, ёд олдириш, грамматикани чуқурлаштириш тенденцияси авж олган. Ваҳоланки, тил имконияти ва нутқ воситаларидан фойдаланиш асосида мулоқот этикети ва муоамала маданиятига эга бўлиш муҳим. Ўринсиз чуқурлаштирилган назарий қоидалар, грамматик талаблар, мулоқот жараёни учун зарур бўлмаган оборотли жумлаларнинг ўрнига фикрни содда ва раvon эта олиш малакасини шакллантириш борасида профессорлар Қозокбой Йўлдошев ва Бахтиёр Менглиевларнинг мулоҳазалари бежиз эмас. Б. Менглиевнинг “она тили таълимини тилшунослик исканжасидан қутқарайлик” дейишида ҳам маълум ҳақиқат бор. Тил ва нутқдан мақсад мулоқот мезонлари – тинглаш, сўзлаш, мурожаат орқали фикр алмашишни тўғри йўлга қўйишдир.

Саводхонлик, аслида, инсоннинг кўрган, билган, ўқиган, эшитган ва гувоҳ бўлган нарса-ҳодиса ҳақидаги маълумотни мустақил тарзда оғзаки ҳамда ёзма тарзда етказа олиш ўқувидир. Буни тўла шакллантириш эса таълим тизимининг муҳим босқичи Саводхонлик марказини ташкил этиш зарур. Бу эса куйидаги муаммоларнинг ечимига имкон туғдиради.

Биринчидан, лотин ёзувига асосланган алифбода аҳолининг турли қатламларида саводхонлик даражасини юксалтириш, диктант, баён, иншо, эссе ёзиш малакасини шакллантириш;

Иккинчидан, кўча-кўйдаги, турли идора ва муассасалар пештоғидаги битик, шиорлар ва рекламаларни имловий жиҳатдан тўғри ёзилишига эришиш;

Учинчидан, ўзбек адабий тили меъёрларига амал қилиш, турли лаҳжа, шева ва диалектлардан холи бўлган тилнинг софлиги учун курашиш;

Тўртинчидан, оғзаки ва ёзма нутқ маданиятини амалда қўлланилишини, тилнинг орфоэпик ва орфографик қоидаларининг ишлатилишини назорат этиш;

Бешинчидан, таълим тизимидаги сифат, самара ва натижадорликка эришишга йўл очиш, нутқ ва тил тактикаси – тараққий стратегиясинининг таъсирчан ва инновацион механизми эканини ёдда тутиш ва амал қилиш;

Олтинчидан, Она тили таълимида тилдан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, тил малакаси оғзаки нутқни тушуниш, ёзма нутқни тушуниш, фикрни оғзаки ва ёзма нутқ орқали ифодалашга эришиш;

Еттинчидан, дўстона мулоқот ва самимий муомала этикетини шакллантириш, нутқни тушуниш, ўз фикрини тўғри ва аниқ ифодалашга ўргатиш асосида коммуникатив ёндашувни – тилнинг мулоқот воситаси сифатидаги вазифасини тўла шакллантириш;

Саккизинчидан, оғзаки нутқнинг турли кўринишларида – монолог, диалог, суҳбат, интервью, баҳс-мунозара каби шаклларда сўзловчининг ўз фикрини чигаллаштирмасдан, очик ва раvon ифода этиш компетентлигига қаратилган риторик маҳоратни, нотиклик санъатини такомиллаштириш.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети Ахборот хизмати раҳбари,
филология фанлари номзоди, доцент

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш ва барқарорликни таъминлашдаги асосий йўл харитаси бўлди. Бироқ ўтган давр мобайнида мамлакатимизни юксалтириш замирида халқ розилиги кўзланган қарорларни амалиётга тадбиқ қилишда камчиликлар кузатилгани ҳам сир эмас.

МАҲАЛЛАЛАРНИНГ ТАШАББУС ВА ИЖРО НАЗОРАТИ:

унга қандай эришилади?

Хусусан, маҳаллий вакиллик органлари томонидан йўл қўйилган айрим камчиликларнинг фуқаролар норозилигига сабаб бўлганини келтириш мумкин. Фуқароларда жамоатчилик назоратида етарлича фаолликни таъминламай туриб ислохотлардан тўла натижа олиб бўлмастлигини вақтнинг ўзи кўрсатиб берди. Бунинг учун, ташаббус ва ижро назорати куйи бўғин ҳисобланмиш маҳаллаларнинг ўзидан чиқишига эришмоқ лозим.

мономарказлари ва 59 та касб-хунарга ўқитиш марказлари қувватларидан самарали фойдаланган ҳолда ишсиз фуқароларни профессионал касблар, тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тилларга ўқитиш; Мономарказ ҳузуридаги “Ўқув-маслаҳат офис”ларига хорижий давлатлардан, жумладан, Россия, Туркия, Япония, Корея, Германиядан 100 га яқин хорижий ўқитувчиларни жалб қилиш режалаштирилган.

Бунёдкорликнинг давоми сифатида



Юртбошимизнинг 2021 йил 22 февраль БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида “Биз эришган натижаларимиз билан кифояланиб қолмасдан, бундан буён ҳам фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, Ўзбекистонда сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни қатъий мақсад қилганмиз” деган сўзлари Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ўз ифодасини топди. Жумладан, 2022 йил учун “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ҳудудларнинг “ўсиш нуқталари”дан келиб чиқиб, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуришга алоҳида эътибор қаратиш учун 5 триллион сўм ажратиш кўзланган.

Бундан ташқари, касбга ўқитиш кўламини 2 баробарга ошириш, жами 1 миллион нафар ишсиз фуқароларни жорий йилдан бошлаб касб-хунарга ўқитиш ишларини йўлга қўйиш 450 миллиард сўм ажратилиши белгиланган. Ҳар йили касб-хунарга ўқитиладиган фуқаролар сони, ҳудуд ва тармоқлар кесимида ишсиз ва иш қидираётган шахсларни касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга оид давлат буюртмасини ишлаб чиқиш; маҳалла касб-хунарга ўқитиш масканлари тармоғини кенгайтириб, уларнинг сонини 1 000 тага етказиш; 16 та “Ишга марҳамат”

тида “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” таъминлиги асосан ишлаб чиқилган етти устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг айнан биринчи устувор йўналиши сифатида Маҳалла институти фаолияти танланиб, энг олдинги мақсадлар қаторидан ўрин олгани бу соҳанинг долзарблигини очиб беради. Маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш деб номланган биринчи мақсад ўз ичига қуйидагича вазифаларни олган. Ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жойида ҳал этиш мақсадида маҳаллалар ваколатларини кенгайтириш, уларнинг молиявий мустақиллигини кучайтириш, яъни бунда ҳар бир маҳалла ўз салоҳият ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда улардан унумли фойдаланишига, тадбиркорликни қўллашнинг асосий босқичи сифатида маҳалла ваколатларини кучайтириш ва маҳалла оқсоқолининг имтиёз ва маҳалла ишлари доирасида дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, маҳаллаларда доимий ва вақтинчалик рўйхатга туриш тартибини соддалаштирган ҳолда қатъийликни таъминлаш лозим.

Бу билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан ҳам енгилликлар яратиб, оврагарчиликлар ва чалқашликларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Шунингдек, маҳалладан туриб барча давлат идораларига мурожаат қилиш тизимини яратиш, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш йўналишида ҳам бир қатор жиҳатлар инobatга олинган. Бу ғоя асосида, аввало, инсонларни турли сарсонликдан халос этиш ва вақтларини тежаш имконияти ётади. Албатта, мазкур вазифани бажариш учун кадрларнинг салоҳияти етарли бўлиши талаб этилади. Шу билан бирга, маҳалла оқсоқолларини моддий рағбатлантириш тизимини шакллантириш лозим. Уларга бериладиган ваколат ва маош қанчалик юқори бўлса, сайлов жараёни ҳам жонли ва маҳалла фуқароларининг диққат маркази-

талаб этилади.

Иккинчи мақсад сифатида “Халқ депутатлари Кенгашларини ҳудудларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишдаги асосий бўғинга айлантириш” белгиланганиб, Халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллалардаги муаммоларни ҳал қилишдаги ролини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва назорат қилиш бўйича уларнинг масъулиятини кучайтириш вазифалари кўйилди.

Маҳаллаларнинг жойлардаги вакиллик органлари билан, халқ депутатлари Кенгашларининг Олий Мажлис Сенати билан, ҳокимликларнинг вазирликлар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари билан алоқаларини мустаҳкамлаш орқали давлат ва халқ ўртасидаги масофани янада қисқартириш кўзланган. Фуқароларни қўллаб қувватлашга асосланган бу оқилона сиёсатни амалга ошириш масъулияти юклатилган шахслар, мамлакат равнақи учун фидоийлик кўрсатишлари зарур. Фуқаролардан эса бу мақсадларни амалиётга жорий қилишда елкама-елка туриб, ишонч билан ташаббус кўрсатишлари, юксак дахлдорлик ҳисси билан

Юртбошимизнинг 2021 йил 22 февраль БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида “Биз эришган натижаларимиз билан кифояланиб қолмасдан, бундан буён ҳам фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, Ўзбекистонда сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни қатъий мақсад қилганмиз” деган сўзлари Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ўз ифодасини топди. Жумладан, 2022 йил учун “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ҳудудларнинг “ўсиш нуқталари”дан келиб чиқиб, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуришга алоҳида эътибор қаратиш учун 5 триллион сўм ажратиш кўзланган.

да бўлади. Ўзаро рақобат ва фаоллик таъминланади.

Маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари” ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтиришда маҳаллаларда фаолият олиб бораётган ҳоким ёрдамчилари ўзларига берилган ишонччи оқлашлари ва юқори самарадорликни таъминлашлари лозимлигини қўллаб-қувватлайди. Улар ўзларига топширилган ҳудуд ва инсонлар билан яқиндан танишишлари ташаббускор фуқароларни қўллаб-қувватлашда билим ва кўникмаларга эга бўлишлари

яшашлари лозим. Шундагина давлат томонидан аҳолининг энг зарурий эҳтиёжлари аниқланиб, уларни қондиришга эришилади. Бу эса кўзда тутилган ижтимоий қатламнинг мавжуд сиёсатдан розилигини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш бугунги даврнинг энг долзарб талабидир.

Сардорбек Жўраев,
Қонунчилик Муаммолари
ва парламент тадқиқотлари
институти БМТ ўқув маркази
бош мутахассиси

Мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлайдиган, унинг равнақи ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ривожланишнинг энг биринчи масаласидир.

“...ҲАР НЕ ИСТАРСЕН, ЎЗУНГДАН ИСТАГИЛ!”

Инсон борлиқнинг гултожи. У бебаҳо хилқат, Аллоҳнинг мўъжизаси. Аммо жамиятда одамлар орасида яшар экан, ҳар бир киши ўзининг муносиб баҳосини олади. Энг муҳими, буни ўзи ҳам яхши билади. Жамиятда инсонлар, умуман, икки хил баҳоланади. Биринчиси маънавий-ахлоқий, иккинчиси ақлий, яъни интеллектуал, касбий деса ҳам бўлади.

Инсон жамиятда кадр-қиммат топиши учун қандай шароитлар зарур бўлади? Аввало, ҳуқуқий ҳимоя, эркин фаолият юритиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, мазмунли ҳордиқ чиқариш, сўз эркинлиги ва бошқа ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланган бўлиши керак.

Инсон кадрини ҳам нисбатан икки хил баҳоласа бўлади: аввало, уни ўраб турган инсонлар олдидаги нуфузи, обрў-эътибори; кейингиси эса касбий, интеллектуал имкониятларининг давлат ва жамият томонидан кадрланиши.

Шуни алоҳида таъкидлаш керак-

ки, бугун давлат томонидан шахсий ва касбий, моддий ва маънавий ривожланиш, фаровон яшаш учун имкониятлар яратилган. Давлат ташкилотлари инсоннинг турмушдан розилиги, унинг қулай ва фаровон яшаши учун бор имкониятларини ишга солиб ҳаракат қилмоқда.

Мамлакатда, илм олиш, хунар эгаллаш, тадбиркорлик қилиш учун барча қулайликлар яратилмоқда. Таълим тизими ҳам кун сайин такомиллашиб бораётир. Бу билан ҳаммаси жойида, барчаси зўр, демокчи эмасмиз. Ҳали қилинадиган ишлар кўп. Бу масаланинг бир томони.

Қарс икки қўлдан чиқади, дейди халқимиз. Биз яратилган имкониятлардан қандай фойдаланмоқдамиз. Менимча, яхши ойлик олиб, фаровон яшаш учун ўз устимизда тинимсиз ишлашимиз керак. Биз қанча кўп натижа кўрсата оласак, давлат уни кадрига етиб, шунга яраша рағбат бера олади. Барча соҳада бунинг механизми ишлаб чиқилган.

Олий таълим мисолида олиб қарайдиган бўлсак, 5-6 йил олдин ассистент билан профессор ойлиги ўртасида деярли фарқ йўқ эди, бўлса ҳам жуда кам. Аммо бугун фан доктори, профессорлар 10-12 миллион ойлик олади. Берган илмий маҳсулоти, фаолиятига кўра даражаланиш бор. Илмга рағбат бўлгач, мамлакатда илмий тадқиқот қилишни хоҳловчилар сони кескин ошди.

Шу маънода, фарзандингизнинг интеллектуал қобилиятини ривожлантиришга асосий эътиборни қаратинг, чунки бугунги ва келажакдаги жамиятда ҳар бир киши интеллектуал имконияти ҳисобига яшайди. Бугун ойлик олишда ҳар бир шахсий ютуқ ҳисобга олинмоқда.

Халқ таълимида ҳам ишлаган киши меҳнатига яраша ойлик ва обрў олмақда. Бугун мактабларда икки миллион ойлик оладиган педагоглар ҳам, беш-олти миллион ойлик оладиган ўқитувчилар ҳам бор. Ойлик, албатта, натижага кўра берилди. Энг

юксак натижаларни кўрсатган ўқитувчи 10 миллионга яқин маош олиши ҳам мумкин. Иқтидорли ўқувчи тайёрлагани учун алоҳида рағбат ва устамалар белгиланган. Қисқаси, ҳаммаси ўз қўлимизда. Ўзимизни кун сайин ривожлантириб фаровон яшаш ҳам, бераётган ойликка қаноат қилиб юравериш ҳам ўзимизнинг қўлимизда.

Навоий тўғри айтади:

*Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен,
ўзунгдан истагил!*

Дарҳақиқат, инсон атрофида юз бераётган ходисаларга сабабни хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин ўзидан кидириши керак. Бахтли, яхши яшамокчи, жамиятда обрў-эътиборга еришмоқчи бўлса, ўзидан исташи керак. Ҳеч ким унинг учун бажариб бермайди. Инсон кадри ҳам ўз-ўзидан ошиб қолмайди, бунинг учун у тинимсиз изланиши, тажриба орттириш керак бўлади.

Ғофир ҲАМРОЕВ

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ — МУҲИМ ИЖТИМОИЙ ЖАРАЁН

Мамлакатимизда ёшлар учун замон талабига мос, сифатли таълим бериш давлат сиёсатининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз қайд этганидек: “Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо, биз яшаётган XXI асрда бу масала, ҳақиқатан ҳам, ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда”. Шу боис, мамлакатимизда “муस्ताқил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш” лозимлиги алоҳида таъкидлангани бежиз эмас.

“Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”да белгиланганидек, маънавий тарбия бу жуда катта ижтимоий жараён ҳисобланади. Ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш ўта муҳим масъулиятли вазифадир. Зеро, биз бугун ва келажакда кўзланган эзгу мақсадларга, фақат юксак маънавият, узлуксиз таълим-тарбия орқали эришамиз.

Ўрганилган тажрибалардан таҳлил қиладиган бўлсак, педагоглар гуруҳдаги ҳар бир болага ҳурмат асосида ёндашиб, болаларнинг психологик жиҳатларини пухта ўрганиш асосида фаолиятларини амалга оширсан, ҳар қандай болани таълимга бўлган меҳрини оширишга хизмат қилади.

Эътиборли томони шундаки, Концепцияда дунёнинг педагогик тажрибаси ва ютуқлари муҳимлашган. Жумладан, Европа Иттифоқининг тарбиявий тавсиялари, АҚШ тажрибасидаги шахс эркинлиги, тадбиркорлик, муваффақиятга

эришишга интилиш, Жанубий Кореядаги ёшлар онгига урф-одатлар, ахлоқий идеалларни сингдириш, Япониянинг “характерни шакллантиришга йўналтирилган таълим”, Хитойнинг яхшилик, тўғрилиқ, поклик, донолик ва ишончлик каби фазилатларини тарбиялашга қаратилган педагогик тажрибалари ўрганилган.

Шу ўринда, тарбия қанча эрта бошланса, са-

Концепцияда тарбияга янги, тизимли ёндашув, таянч фазилатларни кафолатли лойиҳалаштириш ва ўргатишда оила, мактабгача таълим муассасаси ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик имкониятларини тўлиқ ишлатиш ва улар орасида илмий-методик ҳамкорликни янги даражага кўтариш масаласи режалаштирилган.

мараси шунча тез бўлади. Шуни инобатга олиб, ахлоқий тарбияни узлуксиз таълим тизимининг биринчи бўғини бўлган мактабгача таълим ташкилотларида бошлаш ва самарали ташкил этиш муҳимдир. Демак, оиладаги фарзандлар тарбияси — оила ва кундалиқ турмушда мавжуд бўлган оилавий бурч, ҳурмат, садоқат, ор-номус каби анъаналарни авлоддан авлодга ўтказиш асосида узлуксизлик, тизимлилик билан ифодланади. Мактабгача ёшдаги даврнинг аҳамияти умуман бола шахсини ривожлантириш учун бебаҳодир.

Шахсининг барча муҳим хусусияти ва қобилиятлари аниқ мактабгача ёшда шаклланади.

Концепцияда тарбияга янги, тизимли ёндашув, таянч фазилатларни кафолатли лойиҳалаштириш ва ўргатишда оила, мактабгача таълим муассасаси ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларининг педагогик имкониятларини тўлиқ ишлатиш ва улар орасида илмий-методик ҳамкорликни янги даражага кўтариш масаласи режалаштирилган. Мазкур Концепцияда ёшларга таълим беришда ҳуқуқий педагогик имкониятларга алоҳида эътибор қартилган.

Зеро, мамлакатимизнинг тараққий этиши, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришида ёшларнинг билими, дунёқароши ва тарбияси алоҳида ўрин тутди. Фарзандларимизни қандай тарбиялашимиз, уларда индивидуал ва жинс хусусиятларини инобатга олган ҳолда қандай шахсий фазилатларни ривожлантиришимиз бевосита уларнинг келажакда қандай аёл ва

эркак бўлишига, фарзандлари учун қандай ота-она бўлишига боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, фарзандларимиз онги, тафаккурини ёт ва зарарли таъсирлардан ҳимоялаш, ички дунёсини комиллик сари йўналтириш орқали бўшлиқларни тўлдириш қилиниши керак бўлган ишларимиздан бири.

Дилдора НОРАЛИЕВА,
Фарғона имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар мактаби ўқитувчиси

Ушбу хатим поёни йўқ коинот бағрида эмин-эркин ўйнаб-кулиб юрган, бағри бутун иним — Марсга тез ва қисқа фурсатларда етиб, маълум бўлсинки, уни элтувчилар ямламай ютилсин, акс ҳолда ўзлари Марсни ютарлар...

ОНА ЗАМИНИНИНГ МАРСГА МАКТУБИ

Иним, биламан, тинчсан. Елкангдаги паст-баландликлар тинимсиз алмашиб турадиган кун ва тундан бошқасини кўрмаган. Яратилганимиздан буён қуёш атрофига боғлаб қўйилгандек ўз ўқинг бўйлаб айланасан. Сукунат масканисан. Бепоён кенглик бағрида жимгина саёҳатдасан...

Сенга ҳавасим келади.

Сенга ҳавасим келади: сокинлигинг, ёлғизлигинг, яратилган ҳолингдан қандай бўлсанг, ҳозир ҳам шундайлигинг учун.

Мендан мени сўрама

Мен эса ўзгариб кетдим. Борлигим, беғуборлигим, гўзаллигим, софлигим ва тозаллигимни узок ўтмишим ўзида олиб қолди.

Мен ҳам сен бор кенгликда учиб юраман. 50 йилча аввал елкандаги чавандоздек мени жиловлашга (беҳуда)уринадиган одамзод бир нима ясаб, портлатгунча, кўп жойим соғ эди. Сал қолди, йўлимдан адашишимга. Шукур, ўзимга тақдир қилиб берилган йўлда аранг туриб қолдим. Лекин бу силкиниш ўз сўзини айта бошлади. Бугун менинг ҳам елканни худди сен каби кундузи қуёш куйдиради, кечалари совуқдан дийдираб чиқаман.

Бошингни айлантирмай, бир чеккадан бошлай. Мен гапирай, сен эшит, мен ёзай, ўқувчим бўл.

Ҳаммамиз меҳрибон, очик юз қуёш атрофида жойимизни эгаллаб, ўз йўлимизда сафарга чиққан палладан бошлаб, мен ҳам худди сен каби ўзимни бир тирик жондек, ҳис этаман. Замонлар бўлди, сув билан қопландим, кунлар келди — сувлар музлади, бу ўзгаришлар организмда ҳам из қолдирди, албатта. Гоҳида бир жойларим нураб кетади, гоҳида терга ботаман, ўзимдан чиққан ҳовур булутга айланиб, сувини яна ўзимга тўқади, чақмоқ бўлиб, баданимга санчилади, ёмғир, сел бўлиб обод жойларимни оқизади. Бошимга тушаётган қийинчиликлардан ичим зардобга тўлган. Гоҳо чидай олмай уларни ташқарига чиқараман, атрофни кул ва тунун босиб кетади, кейин чўғни ўзи отилиб чиқа бошлайди. Тўполон бошланади. Мен ҳам тирик жонман, нафас оламан, совуқ қотаман, исиб кетаман, яшнаймайман ё ғариблашаман. Дардим осмонга сиғмайди, аммо атрофда суҳбатдош йўқ. Ёнимдаги ой эса, 15 кун бор, 15 кун қорасини кўрсатмайди. Унга ишоналмайман...

Устимда олиб юрганларим, эркатойларим, золимларим, меҳрибонларим, олимларим, худди онамдек меҳрибон, боламдек бебошларим — ОДАМлар тинмай сен томон-

га йўл кидирди. Бунинг учун мени ҳам аяшмайди қуриб кетгурлар. Ниҳоят, уларнинг сенга сафар қилишларини сезиб қолдим. Дарҳол, миллионлаб йиллар давомида ичимни эзаётган ҳасратларимни оққа тушира бошладим. Улардан бериб юбораёпман. Айланишдан бошқа ишинг йўқ, эринмай ўқиб чиқарсан. Кейин ўйлаб кўр, уларни бағрингга олишинг тўғри бўладими ё акси? Фақат диққат билан ўқи.

Ҳаммасига одам айбдор!

Сен ва қолган оға-иниларимдан фарқимни биласан, менда одам яшайди. Ўзимдаги хасталикка-кувакт — даво. Лекин бу одамзод деган бебошнинг қилиқларидан бугун чок-чоқимдан сўкилиб кетяпман.

Улар келган илк онларданок, ўсимликларни ямламай юта бошлади. То заҳарли-заҳарсизини аниқлаб олгунча, анчаси қирилиб кетди. Кейин секин-аста мослашди. Аввало, қорин тўйдиришни ўзлаштирди. Аста-аста ғамлаб қўйишни...

Ҳаммаси шундан бошланди. Кўпроқ ғамлагани обрўли бўлди, атрофига одам тўплади. Қабила деди, уруғ-аймоқ деди. Давлат дейди бугун. Давлат даврида қабила кетди, аммо уруғ-аймоқни сақлаб қолишти. Гарчи бунинг зарарлигини билса-да. Ўзи ҳайрон қоладиганим, одам зарар деган нарсага ўч. Ўлдириш зарар, аммо урушмасан, тура олмайди. Орасида бир Жексон деган олими бор. Унинг даъвосича, 1945 йилдан буён ер юзида атиги 26 кун уруш бўлмабди. Бу ҳам турли вақт ва жойлар ҳисобига эмиш. Тасаввур қилиясанми, доимий уруш. Икки марта ҳаммаси ёппасига урушиб кўришди. Иккинчисини ўзида 80 миллион одам ўлди. Қани бундан кўзлари очилса, йўқ очилмади, ҳозир ҳам уруш. Алам қиладигани, уруш бўлмаган кунлари инсонлар урушга тайёргарлик кўришади. Душман йўқ, хавф йўқ, қурол бор. Бўлганида ҳам янгиси керак.

Бу ҳам майли, энг билимли одамларини “олим” дейди. Биласанми, уларга нима вазифа. Инсонларни тез ва аниқ қилиб юборадиган замонавий қуроллар устида ишлаш. Бунинг учун борини аямайди. Бутун инсониятнинг ярмига яқини оч, аммо қуролга ажратадигани бир неча йил ҳаммани текинга боқишга етади. Бағримни тешиб, ичимдаги зарни олади, бошқа сотиш мумкин бўлган ҳамма нарсамни сўришади, сотишади, пули эса яна қуролга. Бир-бирини қиритишга, талашга

шу қадар берилганки, бу курашда ўлган ҳам ўлдирган ҳам, барибир менинг бағримдан жой олади. Қани энди шуни ўлмасларидан аввал тушунса. Нодонликни қара, шусиз ҳам қўлларидан мавжуд қурол мени 2-3 маротаба йўқ қилишга, ўзларини бир-неча бор қиритиб ташлашга етади. Лекин қурол яратишдан тийилмайдилар.

Ҳозир унданам қимматроқ эрмак топишди, вирус билан урушишади. Уни яратиш ва даф қилишга кетадиган маблағ яна битта ер шари ясашга етади, аммо буни ўйламайди. Тайёрига айёрликни касб қилишган. Шунинг учун сенга юзланишди.

Хуллас, шу қуроллари дастидан менга тоза ҳаво етмайди. Қон ҳиди мунтазам порох ҳиди билан алмашиб туради.

Одамга ачинаман, устимда “шўхлик қилиб”, қон тўққан, тийилмаганлар кун келиб, бошқалар каби ўзлади ва уларни бағримга оламан. Шу қадар азобланадики, тортаётган азоби мени ҳам титратади. Бахтга қарши, остимда бўлаётганини устимдагиларга кўрсата ёки айта олмайман. Айтилганларига, ёзилганларга эса, қайсарларча амал қилмайди.

Шунақа, мендаги бузилишга, биргалашиб азобланишимизга одам айбдор...

Хатто итча келмайди

Менда фақат одамлар яшамайди. Турли жонзотлар бор. Одамлар уларниям кўпини қиритиб юборган. Яна айримларини ўзларига ўргатиб, уларни боқишади. Тановул қилиш учун боқади, албатта. Энг камида, даромад учун...

Шу ҳайвонлар ичида ит дегани бор. У ётган жойини думи билан тозалаб ётади.

Одамлар-чи?

Мени юмалоқ чиқиндихонага айлантирди.

У ер-бу ерда қолган дарахтларни ҳам ёқиб, яна иссиқдан нолиб юришади.

Тасаввур қил, инсоният бир йилда 2,12 миллиард тонна чиқинди чиқаради. Ҳайрон қоламан, ўзи жами тирик одамни бир тарозига қўйсанг, 287 миллион тонна бўлади умумий вазни. Энди буни чиқараётган чиқиндисига солиштир...

Шунинг бадбўй ҳиди камдек, ҳар йили 340 миллион гектар ерда (бунинг орасида ўрмонлар ҳам бор) ёнғин бўлади. Оқибат? Оқибат, заҳарли тутунлар ажратиш ҳажми ошади, мени ўраб турган бебаҳо неъмат — ҳаво ифлосланади, қуёш нурлари таркибидаги ультра бинафша янада кўпроқ етиб келади. Бун-

дан одамлар ўлими кўпаяди, юраги кўтармайди.

Мен эса сахийликда давом қиламан. Ширин мевалар бераман, одамлар уларни эзиб, ачитиб, аччиқ қилиб истеъмол қилади. Минг дардга даво ўсимликларни олиб, яна қайта ишлаб оғуға айлантиршади. Бир-бирини сотишигаку, асло кўника олмайди. Хатто мендаги энг йиртқич ҳайвонлар ҳам ўз турдошини емайдилар, аммо одамлар... ҳамма нарсани еб кетаверади.

Шу билан тўйса майли.

Ташкиллаштирилган очофатлик

Бир гуруҳи бор, бошқаларига бош бўлиб, уларнинг ҳаққини ейди. Хатто тўплагани етти авлодига етса ҳам, тинмайди. Эртага борми-йўқми билмайди, лекин тинмайди. Оқибат, мени чуқурларимдан бирига тушиб, кўзи тупроққа тўлганида тўяди. Таассуфки, буни билса ҳам на кўрқади, ва на қайтади.

Бу очофатлик эса, турли қонун-қондалар билан пардаланади. Бир қавмга мумкин бўлган ҳамма нарсдан, авом фойдаланмаслиги учун, кўпчиликни қонунлар ва қондалар билан тийиб туришади. Ўзлари билганидан қайтишмайди. Аввал ўтганлари бугун борларига мактаб бўлмайди.

Мен буни “ташкилий очкўзлик”, деб атаман.

Хуллас шунақа.

Шунақа бўлмаганлари ҳам бор.

Бу қатлам ён-атрофига кўл силтайди, илм олади. Яратади, адолатли ташкил қилади ҳамма нарсани. Ўзи яратган қонунларга ва яратганни қондаларига ҳамма тенг бўйсунди. Бирлашади. Бир-бирини сотмайди, отмайди. Яхшилик йўлидан қайтмайди, йўлдан урмайди, йўлдан адашмайди.

Илми борни бошига кўтаради. Илми эса, халқини бошига олиб чиқади. Нақадар адолатли ҳақиқат. Аммо афсус, унақалар жуда кам. Шунинг учун, жисимда ҳам соғ жойимдан носоғим кўп. Яшилишдан сариғим, бутунимдан синиғим, соғимдан хастам кўп.

Зерикмадингми?

Биламан, зерикдинг. Аммо кўркма, мени хатимни олиб бораётганлар кам сонли илм эгаларидан.

Хатим сўнггида айтмоқчи бўлган ҳақиқат эса, аччиқ.

Ерда илмиларнинг илми жоҳиллар жиғилдонига доим қурбон қилинади.

Демак, сенга очилган йўлдан бир тўда ноқаслар янги ўлжалар сари юрадилар.

Сен эса, ўзингни асра. Зотан бу одамзод билан имконсизлигини билган бўлсанг ҳам...

Алишер РАВШАНОВ,
журналист

ТОШКЕНТ “НОН ШАҲРИ” ЭМАС

Бувим бу ҳаётнинг кўп паст-баландини кўрган. Маймаоқдаги биринчи доя бўлганлар. Маймаоқнинг деярли ҳамма хонадони бувим учун бегона эмасди. Бувимга ёт Маймаоқлик йўқ эди. Шунинг учун, бувим исрофгаргарчиликни ёмон кўрган.

– Бу бош кўп нарсани кўрди. Бойниям, камбағалниям, очниям, тўқниям, чархпалакларни кўп айланганини кўрдик. Йўқнинг бор бўлганиниям, борнинг йўқ бўлганиниям кўп учратдик. Шунинг учун шукронани ўрганларинг. Шукур қилган кам бўлмайди. Шукур қилган етар муродга... Болаларим, не келса ҳам сабр ва шукур қилсанг, Яратган эгам кам қилмайди. Лекин исроф ва ношукурликдан кўрқларинг. Исроф энг катта ношукурликдир... Барча балоларнинг бошланишидир. Ҳамма нарсани борида кадрларинг. Кейин уввосларинг бефойда. Қўлдан кетгандан кейинги тўққан ёшингни ҳаттоки ўзингга ҳам фойдаси йўқ. – Бувим негадир кўп шу гапни такрорларди. Энди ўйлаб кўрсам, бизни оғоҳлантирган эканлар.

Негадир бувим у-бу жойда нон ушоғи ёки бўлагини кўрса, каттик ранжирдилар. – Кам бўлмагурлар, ризқниям шундай ташлайдим, ахир нон бу ризқ-ку, – дея кўзларига суртиб олиб кўярди.

Кўй боқувда биз болалар ҳам қўлимиздан тушиб кетган нонни етти марта ўпиб, пешонага суртиб чала қолган ейишни давом эттирардик.

Энди эса ёш улғайган сайин лоқайдлашиб боряпмиз... Яқинда ижтимоий тармоқларда жуда нохуш хабарни ўқиб, болалигим олдидаги виждоним роса қийналди. Хабар бундай эди: “Тошкентда бир кунда жами 2 тоннага яқин нон чиқиндига ташлаб юборилмоқда”. Виждон қийналмай нияям қиларди. 2 тонна нон дегани: 2 тон-

на ун, 2 тонна бугдой дегани. Нахотки, шунча нарсани ўйламай чиқитга ташлаб юборсак. Беихтиёр кишининг совуғида лой кечи бугдой суғораётган бободехқон кўз олдимга келади. Онам раҳматли дехқон эдилар. Мен


майман... Ёзда ўрим ўрилганда – энди халқимизга ризқ бўлади, бизнинг бугдойдан одамлар нон қилишади, одамларниқига барака кириб боради, бизнинг бугдой ризқ бўлиб, одамларга тўқчилик бўлиб, қор-ҳолига ярайди, дея роса қувонишарди...

Келинг, бир ўйлаб кўрайлик, 2 тоннага яқин нонни исроф қилишимиз, бободехқоннинг меҳнатига хиёнат эмасмикан? Биз учун, захмат ила жуда иссиқда нон тайёрлаган но-

кин? Биз учун, тўқин ҳаётимиз учун кечани-кеча, кундузни-кундуз демай бедор юрганларни қўллаб-қувватлаш ўрнига бундай салбий ишларни қилаётганимизни қандай тушуниш мумкин. 2 тоннага яқин нон-а. Бувим айтганидай ризқни увол қилишимиз-а. Энди шунинг бир йиллигини ҳисоблайлик, 730 тоннага яқин нон исроф бўляпти. Бу дегани шунча ун, шунча бугдой. Бир нечта дехқоннинг меҳнати. Камида 730 та ёки кичикроқ 1460 та, қарийб 1500 та рўзгорнинг бир йиллик ризқи, нони, уни, бугдойидир. Бемалол шунча оилани нон билан таъминласа бўлади. Бу кўплаб инсон дегани... Афсуски шунча нон, чиқиндихонларга кетяпти. Тепадаги сонларни пулга қақадиган бўлсак, мени ақлим етмайдиган ҳисоб чиқиб келади. Балки, ўша пулни халқ учун манфаатли бирор нимага ишлатиш мумкиндир. Бу биргина Тошкентнинг ўзида. Эҳ-ҳе, ҳали ҳамма вилоятимизни ҳисобласа, жуда ваҳимали сонлар чиқиб келса керак. Ўтган йили нон бироз арзонлигида уйидаги молини дўқондаги нон билан семиртираётганларни эшитиб, жамоатчилик бир ёқа ушлаганди... Қачонгача исрофларни давом эттириш мумкин. Бу барчамизнинг ўз қўлимизда-ку. Арзимасдек кўрингани билан, жуда катта муаммоларимиздан бири эмасми? Борида кадрлашни қачон ўрганамиз? Буни кўчадан кимдир келиб қилиб бермайди-ку? Ёки қилар ишни қилиб кўйиб, кимларнидир айблаб, ҳаётдаги “адолатсизлик”дан йиғлаб, оҳ-фиғон қилиб ўтираверамизми?

Исрофгарчиликдан кутулиб, жамиятимиз ривож учун улкан ҳисса қўшишимиз мумкинлигини унутмайлик. Исрофсиз ҳаёт–фаровон ҳаёт демакдир...

Зикрилла МАМАТОВ



Дунё аҳолисининг қарийб 10 фоизи 821,6 миллион атрофидаги инсон очарчиликка қарши курашаётган бир пайтда, бизнинг бу исрофларимизни не деб аташ мумкин? Биз учун, тўқин ҳаётимиз учун кечани-кеча, кундузни-кундуз демай бедор юрганларни қўллаб-қувватлаш ўрнига бундай салбий ишларни қилаётганимизни қандай тушуниш мумкин. 2 тоннага яқин нон-а.

дехқоннинг меҳнати нақадар оғирлигини ҳаммадан кўпроқ ҳис қиламан. Онам январгача далада бўларди. Эртадан-кечгача. Баъзида ортларидан эргашишга ҳаракат қилардим. Қишда совуқ, ёзда иссиқ дея, фарзандларини кишининг совуғи-ю, ёзнинг иссиғидан асраганча, ўзлари далага кетарди, ўзларини аямасди. Тунлари ухламай, эрта тонгга қадар экин суғориб, уни ўғитлаб, парваришлаб, эккан экинлари ҳосилга киргач, юз-кўзларида балққан чексиз қувончни ҳеч унутол-

ввойларимизнинг меҳнатига “раҳматимиз” шумикан? Бугунги тўқинчиликка ношукурлик эмасмикан? “Енглар, ичинглар, кийинглар ва садақа қилинглар, исроф ва мактанчоқлик қилмаган ҳолда” (Имом Бухорий ривояти) мана шу ҳадисимизда айтилган ҳолатларнинг тескарисини қилмаяпмизми? Дунё аҳолисининг қарийб 10 фоизи 821,6 миллион атрофидаги инсон очарчиликка қарши курашаётган бир пайтда, бизнинг бу исрофларимизни не деб аташ мум-

Огоҳлик

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЁНГИН ХАВФИДАН ХОЛИМИ?

Хушёрлик ва эҳтиёткорлик ёнгининг олдини олувчи биринчи омилдир. Чунки ўт-олов ёниб турган жойда лоқайдликка, беписандликка берилиб бўлмайди.

Барча тармоқларда бўлганидек, халқ таълими, тизими шахобчаларида ҳам ёнгин хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим ташкилий ва тарбиявий ишлардан биридир. Зеро, халқ таълими муассасаларида ўт билан ўйнашга қизиқувчан кичкинтой фарзандларимиз таълим олишади. Бунда ўқитувчи ва тарбиячиларнинг шахсий ибрати, уларнинг ўз ўқувчилари хатти-ҳаракатларини назоратда сақлаши, ўт билан ўйнаш ёмонлигини вақтида тушунтириши муҳим.

Кейинги йилларда уй-жойлару ишхоналар ва ўқув масканларида ёнгин хавфсиз-

лиги ойлигини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Шу ойлик давомида халқ хўжалиги бинолари, шахсий уй-жойлар ва ўқув масканларини ёнгиндан сақлаш талаблари бўйича текширувлар ўтказилмоқда, аниқланган камчиликлар тузатиляпти.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, шу заминда яшаб меҳнат қилаётган барча фуқороларни ёнгин балосидан асраш, нафақат, соҳа ходимларининг, балки ҳаммамизнинг бурчимиздир. Ёнгинларни ўчиришдан кўра, уларнинг олдини олиш онсонроқ, буни эса ҳеч қачон эсдан чиқармайлик.

Э.ШЕМИРОВ

“ЖЎРОВОЗ”ЛАР КЎПАЙИБДИ, “ЖЎРАБОЗ”ЛАР!



Билмадим, ичим торми: охири пайтлар тармоқлардаги бир-бирига ўхшамаган ахборот ва “соммент” ларни ўқиб, юрагим орқага тортадиган бўлиб қолди. Фикр билдирсангиз, холисми, нохолисми “талайдиган”лар кўпайган.

Тунов куни қайсидир тармоқда бир масала юзасидан “қизгин” бахснинг гувоҳи бўлдим. Мулоҳазалар турли-туман. Албатта, масаланинг турли жиҳатларини ҳисобга олиб, атрофидагиларнинг фикрини ҳурмат қилган ҳолда холис фикр билдираётганлар талайгина. Аммо тўғрими, нотўғрими оғзига келганини “вайсайди-ган”, қайси қараш етакчиликка чиқса, ўшани ёқлайдиган ҳамрозлар эскиларига қўшилиб хийла кўпайибди.

Тушунишни ҳам, тушунтиришни ҳам хохламайди. Бир “зиёли” бўлса, шундай бўлса. Яна бир гап, ҳеч гапдан хабари йўқ, муҳокамаларнинг ярмидан қўшилволиб, қайсидир танишининг ёки қўли узунроқ каснинг гапларини маъқуллайдиган, аслида эса ҳеч нарсанинг фаҳмига бормайдиган “жўровоз” ларнинг кўплигини айтмай-сизми?! Қачон, қай йўл билан бундайлар ўз сафини кенгайтиришга эришди ҳайронман. Энг ёмони, улар на фикр билдиришни билади, на бирон бир жўяли фикр айтишга қодир. Оғзига келганини айтаверади. Баъзида миллий кадрларимизни ерга урадиган қарашларни тикиштиришдан ҳам тойишмайди. Кези келганда, ўзи танимаган-билаганларининг фикрларини очикчасига қоралашга қодир, бозорингизни бераверинг.

Ҳали айтганимдай, ижтимоий тармоқлардаги муҳокамаларни кўриб, Гафур Ғуломнинг “Шум бола” асаридagi қуйидаги воқеани ёдимга тушади:

— Тўғри, — деди қўш кўзойнакли мулла уста Мирсалим, — баъзан англашил-

мовчиликлар ҳам бўлиб туради. Чунончи, ўтган йили Зангиота сайлида шундай бир воқеа бўлди: сумбуланинг ўрталари, жума куни эди...

Намозжумага азон айтилиб қолди. Одамлар катта хонақонинг сахнини ва унга қўшилган атроф майдонларни шамолоқдек эгаллаб, намозга тайёрланиб турибдилар.

Ҳамма имомга иқтидо қилиб, “Оллоҳу акбар” дейилиши билан намоздан кечикиброқ қолган бир банд олдинги сафга ўтиб кетатуриб ўртароқ сафдаги бир танишининг киссасидан ярмидан кўпи чиқиб, тушиб кетай деб турган бўз ҳамёнга кўзи тушиб қолади. Шу ҳамённи меҳрибончилик билан киссасига ичкарироқ солиб қўймоқ учун қўл уради. Буни каторда турган яна бир мусулмон кўриб қолиб, намозини бузиб “Дод, мусулмонлар, хонақога кисавур оралади!” деб бакиради ва ҳалиги шўрликнинг ёқасига ёпишиб муштлай бошлайди. Мачитдаги имом бошлиқ ҳамма мусулмонлар ҳам намозларини бузиб, ҳалиги паррехтани дўппослай кетадилар.

“Ҳой, хой, тўхтанг, ўзи нима гап?” деганга қулоқ соладиган одам йўқ. Ҳаш-паш дегунча ўлакка қилиб, мачитнинг сахнига олиб чиқадилар, бу ерда ҳам кўзига қон тўлган оломон шўрликни уракетади, ўлдириб хотиржам бўлгандан кейин:

— Ўзи нима гап, нима қилди, ким бошлаб урди, ким ушлади, кимнинг ҳамёни? — деган сўзлар чиқа бошлайди...

— Мана бу тикка жаннатга боради, — деди Ҳожи бобо, — ҳа, шунақа, бесўроқ, беисток жаннатга тушиб кетаверади.

— Шариатимиздан айланай, мусулмончилигимиздан айланай, ҳимоятимиздан айланай, ҳамиятимиздан айланай, оломондан айланай... оломондан ўргилай, — деди четдп турган гиёҳвандлардан биттаси...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзамнинг “Отойининг туғилган йили”


асари қахрамонини эсласангиз, ҳар томонга шох ташлаб, гўддайиб ўсган шолтеракка ўхшайди, жуда беандиша одам. Ёзувчидан “Бугун замон муросани талаб қилади. Қиссага қаҳрамон танлашингизга нима ёки қандай воқеа сабаб бўлган, дея сўраганимда “Тўғри айтасиз, ҳар нарсага бировнинг бетига сапчиб, кўнглини оғритаверса, кимга ҳам ёқарди денг! Агар шунақаси қўл остимда ишласа, бугуноқ ўзим ишдан ҳайдаган бўлардим-ов.

Ушбу образдаги ноҳақликка қарши исён, адолатсизликка нисбатан муросасизлик жиҳатлари ўша замон кишисиди бўлишини хоҳлаганман шекилли-да. Чунки у вақтларда муҳит ёлғонга тўла эди. Кўнгиладигани баралла ифодаламоққа эса ҳамманинг ҳам журъати етмайди. Айниқса, замон кўтармаса...”, деганди куйинчалик билан. Ҳа, ҳақиқатан ҳам у пайтлар “гап кўтармаган”, сўз эркинлигини тан олмайдиган давр эди. Бироқ бугун бунинг акси. Муҳими сўз эркинлиги бор. Бироқ ушбу эркинлик рақибини беҳурмат қиладиган ахборотни таркатавериш, бўлмагур маълумотни эркин жойлайвериш, шунингдек, бировнинг фикри билан айюҳаннос солиш дегани эмас. Қисқаси, ушбу мавзу борасидаги фикрларим хийла мураккаб. Яширмайлик, бегонапарастроқмиз. Биз зўр-у, бошқалар сал берирок, уларнинг фикрлари сал мундайроғи, ўзимизники яхши. Атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳадеб бурун жийиравермасдан, уларни холис назар билан ўқимок ва кадрламоқни ҳам ўрганайлик. Шунингдек, сўз эркинлигида тарози палларини тенг тутсақ ёмон бўлмасди. Йўқса, ҳали айтганимдек, “жўровоз” ва “жўрабоз” лар сафи кенгайверади. “Кўпфикрлик”нинг эса куни туғади. Бундан Ўзи асрасин.

Муроджон РАҲМАТОВ

ҚОНУН ОЛДИДА БИРДЕК ЖАВОБГАРМИЗ!

Барчамизга маълумки, ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинганди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида жойларда бир қатор мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.



Жумладан, Тошкент вилояти ҳокимининг 290-10-0-Қ/21-сонли Қарори қабул қилинди. Унга кўра, давлат дастури ижросини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий штаб ташкил этилиб, унга вилоят прокурори штаб раҳбари этиб белгиланди. Шу-

нингдек, туман-шаҳар ҳокимларининг қарорига кўра, ҳудудий штаблар ташкил этилиб, унда туман-шаҳар прокурорлари штаб раҳбари этиб белгиланган.

Қарордаги муҳим жиҳатлар эътиборга олиниб, белгиланган топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида туман-шаҳар ҳокимларининг соҳа бўйича ўринбосарлари, Қурилиш бошқармаси бошлиғи, туман-шаҳар архитекторлари, Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси раҳбари ва инспекторлари, лойиҳачи ва давлат экспертиза ташкилотлари раҳбари, буюртмачи ташкилот раҳбарлари ва техник назоратчилари қонун бузилишига йўл қуймаслик хусусида расман огоҳлантирилди.

Бундан ташқари, жорий йилда фойдаланишга топширилмаган 2 та ирригация, 1 та йўл, 1 та ҳарбий қисм, 1 та спорт, 4

та соғлиқни сақлаш, 3 та мактаб, 15 та мактабгача таълим ташкилоти объектлари ҳар бири жойга чиқиб ўрганилиб, натижаси бўйича Республика штабига ахборот берилди. Дастур ижросини ўз вақтида сифатли бажариш ва юқоридаги ҳолатларни бартараф этиш мақсадида 314 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилди, 8 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка, 17 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва муаммоларни бартараф этиш борасидаги амалий ишлар давом этмоқда.

Унутмаслигимиз керакки, давлат мулки, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли маблағларнинг ноўрин ишлатилиши халқнинг ҳақини очикчасига талон-торож қилишдек гап. Шундай экан, барчамиз ўз ишимизга масъулият билан ёндашиб, халқимиз ишончини оқлашга ҳаракат қилишимиз лозим. Қонун ва халқ олдида бирдек жавобгармиз!

М. МУЛЛАЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг иктисодий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси прокурори

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон экологик ҳаракати.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир хайъати:

Адхам Бекмуродов
Акмал Саидов
Ақтам Ҳайитов
Нарзулло Обломуродов
Адхам Икромов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-208
Адади: 1507.

Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:
Муроджон РАҲМАТОВ

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00

1 2 3 4 5 6

Ўнг тарафига янги кўшни кўчиб келди-ю, бу аёлнинг тинчи бузилди. Эркак кўшни тиш дўхтири, хотини эса уй бекаси экан. Аёл кўшни деярли кўчага чиқмас, меҳмондорчилик ёки қариндош-уруғлариникига борса ҳам оиласи, болалари билан бориб келарди. Бир-икки марта кундузи “бир ғийбатлашай”, деб кирганида уни Қуръон ўқиётгани устидан чиқди. Рўпарасида бир муддат пойлаб ўтирди.

– Узр кўшни банд эдим, бирор кун бемалол чойлашарми-а, – деди кўшниси китобдан бош кўтариб.

Аёлнинг аччиғи чиқди. Орадан бир-икки кун ўтказиб, бир нимани бахона қилиб кирганида эса суҳбатлари қовушмади. Бир ҳамсоясидан шикоят қилиб: “Мен уни Худога солдим”, дея гап бошлаган эди, кўшни аёл: “Ҳар банданинг ҳукми Аллоҳнинг қўлида. Бировнинг айбу нуқсонини муҳокама қилиб ўтириш сиз билан бизнинг ишимиз эмас, ундан кўра болаларингизга яхшилик, оилангизга барака сўраб дуо қилинг. Намоз ўқинг, кенг феъл бўлинг”, дея насиҳат қилди.

“Кечагина маҳалламизга кўчиб келиб, бугун менга ақл ўргатяптими бу хотин”, деган ўй ич-этини тирнаб, уйига қайтди. Ўзини босишга ҳарчанд уринмасин, сира эплай олмади. Устига устак “Нега унинг рўзғори бадастир, нимага у бой-бадавлат кишига турмушга чиққан, менинг эримнинг иши юришмайди”, деган хаёллар, “Ҳа, ҳамма нарсаси етарли, бой-да, бу камбағалга нима десам ҳам бошини эгиб ўтиради, деб ўйлапти, шекилли”, деган ўйлар унга тинчлик бермасди. Тўртинчи куни “Бир адабини берай, сира эсидан чиқмайдиган сабоқ бўлсин, ўз-ўзидан бўйни қисилиб қолади ҳали”, дея режа туза бошлаган ҳам эдики, дарвозаси тақиллаб, кўшни аёл кириб келди.

– Ассалому алайкум, опа, яхши ўтирибсизларми? Кўй сўйгандик, гўштидан сизларга ҳам илиндик, – деди қўлидаги халтани узатиб.

Шайтоний ўй унинг ич-этини тирнаб ўтди: “Энди садакамга мухтож деб ўйлаяптими?”

– Керакмас, бекорга овора бўлиб-сиз.

– Нега унақа дейсиз, кўшни ҳақи бу, олмасангиз хафа бўламан.

– Биз кўй гўшти емаймиз, – тилидан шу гап учди-ю, ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетди: – Ҳа, кўй гўшти емаймиз, болаларим ҳиди бор дейишади, ўзимнинг қон босимим ошиб туради. Бошқаларга берақолинг. Буни еб тагин “Тез ёрдам” чақириб ўтирмайлик...

– Сизга атаб олиб чиқувдим, ўзингиз эмасангиз, бошқа бировга берарсиз, олинг энди шуни, – кўшни аёл қўлидаги гўштни айвондаги музлаткич устига қўймоқчи бўлди.

– Йў-йў-йў, керакмас дедим-ку, обкетинг буни, қўйманг бу ерга! Бўлмаса, ҳиди ҳамма ёқни тутиб кетади ҳозир!

У шоша-пиша пакетни олиб кўшненинг қўлига тутқазди. Аёл музтар бир аҳволда қайтиб чиқиб кетди. “Фурурим ўлсин, олаверсам бўлмасмиди,

бу ёқда эримнинг ишлари ўлда-жўлда бўлиб ётибди. Рўзғоримда тишга босадиган бир бўлак гўшт ҳам йўқ, аслида”, деган ўйда ошхонасига кирди. Ярим кило картошка, икки дона пиёз, уч-тўртта бужмайган сабзидан бошқа ҳеч нарса йўқ. “Очимдан ўлсам ҳам бу хотиннинг қўлидан нарса олиб емайман”, дея яна ўзини ўзи овутди. Пиёзни жизиллатиб, устидан картошкани ташлаб апил-тапил қовурди-да, сув қуйиб, бир сиқим гуруч билан мастава қилиб қўя қолди. Шу маҳал кўшненинг ҳовлисидан чиққан қовурдоқ иси



ҲАСАД БАЛОСИ

димогоғига урилди. Бирдан яна жаҳли чиқиб кетди. “Кўй сўйдим деб мактаннишничи, ҳали мен ҳам сенлар каби бой бўлиб қоларман”...

Эртаси куни маҳалла оқсоқоли эшик қоқиб келди.

– Маҳалладан ёрдам пули сўрагандингиз, унинг иложини қилолмадик, лекин оилангиз учун бир ҳомий топдик. Фақат кимлигини айтишимизни истамаяпти, – оқсоқол шундай дея машинаси юкхонасини очди: – Мана-



Аёлнинг оқсоқолдан ҳафсаласи пир бўлди. Аризасини кўтариб туман марказига борди. Вилюятга чиқди... Бу орада кўшнисининг уйига беш-олти марта пўрим кийинган, папка кўтарган кишилар келишди. Кўшни аёлни аллақайси идорага суҳбатга чақиривгани ҳақида маҳаллада шивир-шивирлар кучайди. Икки марта “Тез ёрдам” машинасида уни касалхонага олиб кетишди. Буни кўриб: “Мана шунақа бўлади кўшнени менсимаслик, ҳали бойлигинг ҳам сенларга ёрдам беролмайди”, деган ўйда аёлнинг кўнгли кўтариларверди...

виларни тушириб олинг. Маҳалладан ёрдам...

Аёлнинг рўзғори анчадан бери бунчалик бут бўлмаган эди. Қандай бадавлат одам экан-ки, сабзи-пиёздан, совунидан тортиб, ёғи, лаҳм гўшту унигача унутмабди. Яна бозордаги энг сархил мева-сабзавотлардан олганини айтмайсизми?

– Раисбува, мана шу аризани бир кўрсангиз, – деди у оқсоқолни кузатаётди.

Турган жойида аризага кўз югуртирган маҳалла раиси унга тааж-

– Аризам нима бўлди раисбува, бу кўшненинг уйини ҳеч ким текширмапти-ку. Маҳалла бедарвозами энди? Ёки сизниям оғзингизни мойлаб қўйишдими булар?

– Барака топгур, бундан яхши кўшнени тополмайсиз, – деди оқсоқол. – Керакли жойдан келишди, суриштиришди. Бир яхши одамлар экан. Бекорга тўхмат қиляпсиз кўшнингизга. Устига-устак улар сизга... – раис яна жим бўлиб қолди.

Аёлнинг оқсоқолдан ҳафсаласи пир бўлди. Аризасини кўтариб туман марказига борди. Вилюятга чиқди... Бу орада кўшнисининг уйига беш-олти марта пўрим кийинган, папка кўтарган кишилар келишди. Кўшни аёлни аллақайси идорага суҳбатга чақиривгани ҳақида маҳаллада шивир-шивирлар кучайди. Икки марта “Тез ёрдам” машинасида уни касалхонага олиб кетишди. Буни кўриб: “Мана шунақа бўлади кўшнени менсимаслик, ҳали бойлигинг ҳам сенларга ёрдам беролмайди”, деган ўйда аёлнинг кўнгли кўтариларверди...

– Эшитдингизми, тиш дўхтиримиз кўчиб кетаётган экан, кўшни аёл касалхонадан тўғри янги уйига кетганмиш, – деган гапни кўшниларида эшитганида кўнгли яна бир газ ўсди.

– Ажаб бўпти, олифтагарчилигини бошқа жойга бориб қилсин, ўзи бизни маҳалламизга боп одамлар эмасди улар, алламбало эскичами... – деди тиржайиб.

Бу гапдан кўнгли кўтарилиб, ўз-ўзича хиргойи қилиб, ёғлиққина ош қилай деган ўйда ошхонасига кирди-ю, бир ярим йил ичида биринчи марта гўшти қолмаганини, рўзгорининг баракаси учганини кўрди.

Бир кун пойлади, икки кун пойлади, хар ойда икки марта хабар оладиган оқсоқолнинг қораси кўринмади. Охири “Раисбува ҳомийнинг менга ажратган нарсаларини ўзи уйига олиб кетган бўлмасин тагин, чиқиб бир пўстагини қоқиб келай”, деган ўйда важоҳат билан маҳалла идорасига отланди.

– Сизларга ҳомийлик қилаётган одам ён кўшнингиз эди, – деди оқсоқол. – Барака топишсин имонли-инсофли кишилар эди улар. Эр-хотин: “Биз яхши еб-ичиб, кўшнимиз ёвгон шўрва билан кун кўрмасин, ўзимга рўзғор қилганимда уларга ҳам қўшиб оламан, фақат биз бераётганимизни айтманг, тагин кўнгли ўксимасин”, деб қаттиқ тайинлашган эди. Сиз эса уларга сира тинчлик бермадингиз. Кўшнилари ҳамма ёмонлигингизни кўриб-билиб туриб ҳам сизга яхшилик илинаверишди. Ғийбат қилганингиз етмагандек, тўхмат ҳам қилдингиз. Ундай қилманг, деган гапимизга сира қулоқ солмадингиз. Охир-оқибат бечора кўшнилари билан маҳалладан кўчиб қутилишди... Ҳаёт шунақа, Аллоҳ бизга кимни восита қилиб ризқу насиба бераётганини унутиб, баъзида шундай ношукрлик қиламиз...

Аёл раис яна нималар деганини эслолмайди, у нима деярини билмай қолганди. У қарахт бир аҳволда эди.

Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА